

Оғир савол

Image not found or type unknown



18:20 / 16.11.2024 2999

Баъзи ҳолатларда фарзанд аҳли солиҳ, ота-она фожир ва фосиқ бўлиши ҳоллари ҳам учраб туради. Агар ота-она Аллоҳ таоло ҳаром қилган ишни қилса, бола нима қилиши керак? Бу саволнинг жавоби қуйидаги ривоятда келади.

لَا قِيَامَ رِضَا حِ يَبَا نَبِ دَمَحُم نَع
نَا نَسَخ لِه ب ر كُ ذَا م ل وَا نَا ك
أَهِي فَّ ق ل ح ي تَا أ ل ج ر

لُوقَاتِ أُمِّ: لَأَقِفُ، نَسَخُ لَأ
هُمَّ أُهُتَبَلَعِ لُجَرِي فِ
:لَأَقِ؟ أُهُدِّي قِي° وَأُهُبِرِضَيَا
هُورُمُ أَي° نَأَبُ مٌ وَقُلْ لَأ مَجْحَأَفُ
لَأَقِفُ، عِي شَبِ هُمَّ أَي فِ
:أُهُدِّي قِي لُجَرِ لَأ أُهُيَا: نَسَخُ لَأ
عِي شَبِ أَهْلِ صَتِ أَلِ كُنْ إِفِ
نَعِ أَهْزَجَحَتْ° نَأُ نَمُ لَصُفَأُ
لَأَقِ: سَأَنْ لَأ لَأَقِ، هَلْ لَأ مِرَأَحَمِ
لِ لَذَنَ أَلِ فِ، أَذَكَ° وَأَذَكَ° نَسَخُ لَأ
:نَسَخُ لَأ هِبَ رَكَذِ أُمِّ لَوَأُ

Муҳаммад ибн Абу Ҳозирдан ривоят қилинади:

«Ҳасаннинг зикри тарқалишига сабаб бўлган аввалги масала қуйидаги эди. Бир киши Ҳасан ўтирган мажлисга келиб, «Онаси голиб келиб, холи-жонига қўймаётган одам ҳақида нима дейсан? Уни урсинми ёки боғлаб қўйсинми?» деди.

Қавм унга онаси ҳақида бирор нарса дейишни билмай, тўхтаб қолди. Шунда Ҳасан: «Ҳой одам! Сен уни боғлаб қўй. Сен унинг учун Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тўсишдан кўра афзалроқ силаи раҳм қила олмайсан», деди.

Одамлар: «Ҳасан ундай деди, бундай деди», дейишни бошладилар. Ҳасаннинг зикри биринчи бор шундай тарқалди».

Шарҳ: Ҳазрати Ҳасан Басрий ушбу ривоятдаги масала сабабли машҳур бўлиб кетдилар. У киши бу масалага тўғри жавоб топиб, илк бор эл оғзига тушган эдилар.

Сўралган савол қуйидагича экан: Бир кишининг онаси уни ҳеч ўз ҳолига қўймай, нуқул жанжал кўтариб, кун бермас экан. Азбаройи жонидан тўйиб кетган киши на онасини уришни, на уни боғлаб қўйишни билмай, кўпчилик уламолар ўтирган мажлисга мурожаат қилган экан.

Дарҳақиқат, бу жуда оғир савол эди. Унда фарзанднинг онага муносабатидек нозик масала кўтарилган эди. Илмий суҳбат қилиб ўтирганлар бу мушкул саволни эшитиб, индамай қолишибди.

Шунда Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи шундай дебдилар: «Эй йигит! Онанг шу қадар ҳаддидан ошган бўлса, урмагин, балки боғлаб қўйгин. Чунки онангни боғлаб қўйиб, уни Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан тўсишинг афзал силаи раҳмдир».

Фарзанд ҳаддидан ошган онасини боғлаб қўйса, уни гуноҳдан тўхтатади, унинг зулмидан халос бўлиб, зиммасидаги барча яхшиликни қилишда давом этаверади, онага қўл кўтариш гуноҳидан сақланади. Овқатини беришда, ҳурматини қилишда давом этаверади, ёмонлигидан эса сақланади. Онани Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тўсиб қўйиб, унга яхшилик қилишда давом этиш онанинг ўзи учун ҳам яхши бўлади.

Агар мазкур гуноҳни ота-онадан бошқа одам қилса, уни урса бўлар эди. Аммо ота-онанинг ҳурматидан фарзанд уларни ура олмайди. Шундай пайтларда уларни боғлаб қўйиши мумкин экан. Бу иш ота-онанинг гуноҳдан тийилишига сабаб бўлади. Қолаверса, фарзанднинг ўз ота-онасини Аллоҳ таоло ҳаром қилган ишдан боғлаб қўйиши уларга қилган яхшилиги бўлади.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.